

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Ахмедова Озодахон Актамжон қизининг**

**Мавзу: “Equisetum arvense L. ўсимлигининг кимёвий  
таркибини тадқиқ этиш”**

Ихтисослик: 5А140501 – Кимё (фан йўналишлари бўйича)

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

**ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий рахбар: к.ф.д.**

П.К.Игамбердиева,

Фарғона – 2020

## **МУНДАРИЖА**

<b>КИРИШ.....</b>	<b>3</b>
<b>I БОБ. АСОСИЙ ҚИСМ.....</b>	<b>8</b>
I.1 Биологик фаол моддалар.....	8
I.2.Биологик фаол моддаларнинг инсон организмидаги ахамияти.....	16
I.3.Макро ва микроэлементлар.....	25
I.4.Макро ва микроэлементларнинг инсон организмидаги ахамияти...29	
<b>II БОБ АДАБИЁТ МАЪЛУМОТЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ....33</b>	
II.1 Equisetum arvense L. ўсимлиги.....	40
II.2.Equisetum arvense L. ўсимлиги таркибидаги биологик фаол моддалар.....	44
II.3.Equisetum arvense L. ўсимлиги таркибидаги микро ва макроэлементлар .....	
<b>III БОБ. ТАЖРИБА ҚИСМИ ВА ОЛИНГАН НАТИЖАЛАР .....</b>	<b>49</b>
III.1 Ўсимлик кисмлари таркибидаги биологик фаол моддаларга сифат анализ ўтказиш усуллари ва натижалари.....	49
III.2 Equisetum arvense L. ўсимлигининг барги таркибидаги макро- ва микроэлементларнинг микдорий анализини ўтказиш усуллари ва натижалари.....	57
<b>ХУЛОСАЛАР.....</b>	<b>63</b>
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.....</b>	<b>65</b>

## **КИРИШ.**

Истиқлол йилларида юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳатлар ва янгиланишлар замирида муқаддас Ўзбекистонда яшаётган халқимизнинг, хусусан, эртанги кунумиз эгаси бўлган азиз фарзандларимизнинг фаровон ҳаёти, баҳту саодатини таъминлашдек мақсад мужассамлиги барчага яхши маълум.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони юртимизда истиқлол йилларида биринчи Президентимиз раҳнамолигида олиб борилган ислоҳатлар самарадорлигини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама жадал ривожланиши учун шартшароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизатсия қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишлардаги вазифаларни амалга ошириш мақсадини кўзда тутади.[1]

Ҳаракатлар стратегияси давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган бўлиб, унда таълим ва фан соҳасини ривожлантириш масалалари ҳам назардан четда қолмаган. Зоро, мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили бугунги кунда таълим ва фан соҳасида ҳам жиддий ислоҳатларни амалга ошириш, олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда илм-фан соҳасини янада ривожлантиришни тақозо этаётган эди. Бинобарин, жаҳон бозорида конъюнктура ўзгариб, рақобат тобора кучайиб бораётган бир шароитда давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун юртумизда мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиётида фаннинг ролини кучайтириш талаб этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2016 йил 30 декабрда республикамизнинг барча академиклари билан учрашиб мавжуд муаммоларни қандай йўл билан ижобий ҳал қилис мумкинлиги ҳақида суҳбатлашди ва шу асосида “Фанлар академияси фаолиятини, илмий

татқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорни имзолади. 2017-2021 йилларда “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидагида”ги фармонида ҳам илмий-татқиқот ва инноватсия фаолиятини рағбатлантириш, илмий-тадқиқот ва инноватсия ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-татқиқот институтлари хузурида ихтисослаштирилган илмий экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этишга таълим ва фан соҳасини ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилган.[2]

Бундан ташқари, республика вилоятларида бўлиб ўтаётган халқ билан бевосита мулоқот пайтида Президентимиз томонидан барча худудларда илм-фан салоҳиятини тиклаш, худудларнинг комплекс ривожланишини таъминлашда мавжуд интелектуал салоҳиятдан самарали фойдаланиш, ёшларни илмий-татқиқот фаолиятига кенг жалб қилиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилмоқда. Ушбу вазифаларни амалга оширишда илмий изланишларни ижтимоий-иктисодий соҳаларнинг реал муаммоларига йўналтириш, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги узвий интегратсияни таъминлаш, ўз навбатида, ишлаб чиқариш корхоналари томонидан олимларнинг илмий-технологик ишланмаларини амалиётга жорий қилиш самарадорлигини ошириш механизмларини яратиш масалалари ўта муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур соҳада тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарор билан кенг кўламли миқёсдаги аниқ мақсадли ишлар амалга оширилиши кўзда тутилган.

Жумладан, қарорга кўра замонвий талаблар асосида Фанлар академиясининг асосий вазифа ва фаолиятининг устивор йўналишлари белгилаб берилган. Бундан ташқари, илмий-тадқиқот инфратузилмасини янада мустаҳкамлаш мақсадида Фанлар академияси таркибида бир қатор, илмий-тадқиқот институтлари ташкил қилиниб, қатор муассасалар академия тасарруфига қайтарилилган. Ўз навбатида бу тадбирлар Фанлар академияси томонидан кенг кўламли фундаментал тадқиқотлар олиб борилишини таъминлаш, турли фан тармоқлари бўйича мавжуд илмий салоҳиятни мужассамлаш ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг долзарб муаммоларига сафарбар қилиш имкониятини яратади.

**Диссертасиянинг асосланиши ва унинг долзарблиги.** Хозирги кунда барчамизга маълумки, юқори даражали таъсирга эга бўлган синтетик дори препаратлар тури кўпdir, лекин замонавий тиббиётда *ўсимликлардан* тайёрланган дори препаратларга бўлган эътибор ошиб бормоқда.

Охирги ўн йиллар давомида доривор усимликлар таркибидаги **биологик - актив моддалар ва макро-ва микроэлементлар** микдорини ўрганишга катта ахамият берилмокда, чунки организмда асосан биологик актив моддалар (витаминлар, алкалоидлар, эфир мойлари, гликозидлар ва бошкалар) макро- ва микроэлементлар билан узвий боғлиқликда таъсир этади.

Хозирги экологик мураккаб ва муаммоли бир шароитда инсон организми учун касалликларни даволовчи, фойдали дори препаратлар синтези жуда муҳим ва шу боис, ўрганилаётган мавзуу- яъни **Equisetum arvense L.** **ўсимлигининг кимёвий таркибини тадбиқ этиш”** шубҳасиз энг долзарб масалалардан биридир.

**Тадқиқот обекти:** кўп йиллик ўсимликлар, *Equisetum arvense L.*

**Тадқиқот предмети:** *Equisetum arvense L.* ўсимлигининг ер устки қисми.

**Мазкур ишнинг мақсад ва вазифалари:** *Equisetum arvense L.* таркибидаги биологик–актив моддалар (алкалоидлар, кумаринлар, гликозидлар, эфир мойлар ва бошқа.) сифат анализини ўтказиш.

*Equisetum arvense L.* ер устки қисми таркибидаги макро-ва микроэлементлар миқдорини аниқлаш.

*Equisetum arvense L.* таркибидаги биологик–актив моддалар (алкалоидлар, кумаринлар, гликозидлар, эфир мойлар ва бошқа.) миқдорини аниқлаш.

### **Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи.**

Ўзбекистон республикасининг доривор ўсимликларни ўрганиш, уларнинг захираларини аниқлаш, тайёрлаш, ўстириш ва хорижий мамлакатлардан келтирилган турларини экиб кўпайтиш ишлари билан Ўзбекистонинг қуидаги атоқли олимларининг хизматлари салмоқлидир: Холматов X. X. (1964-85 й.), Мақсудов Н. (1967), С.С. Сахобиддинов (1948), X.У. Алиев (1963), М.Горяев, И.Плива (1962). *Хозирги вақтда:* Сибирь ўлкаларида М.А. Ханина, А.В.Ткачев, Е.А.Серых С.М.Адекенов (Казахстан). *Equisetum arvense L.* ўсимлигининг кимёвий таркиби бир қанча олимлар томонидан ўрганилган, айрим макро- ва микроэлементлар хам аниқланган.

**Тадқиқот усуллари:** микрометод, нейтрон активацион усули, ИК – спектроскопия.

**Ишнинг илмий янгилиги:** тадқиқотлар натижасида *Equisetum arvense L.* ўсимлигининг таркибидан меда-ичак яраси касаликларини даволашда ишлатилиши, сув билан спирт ва сув билан глисерин аралашмасидаги 0,5-1% ли эритма ҳамда у кукун ҳолида ва суртма сифатида оддий йирингланган яралар, куйган жойларни доволашда ишлатилиши **аниқланган**. *Equisetum arvense L.* ўсимлигининг барги

қисмидаги мойли экстракти таркибида 10-12% ошловчи моддалар, оз микдорда галлат кислота, 0,9-2% флавонлар, витамин С, 10-14 смолалар ва бошқа бирикмалар борлиги аниқланиб улар табиий крахмалдан фарқли равища хона ҳароратида сувда яхши эриши, 39 та макро- ва микроелементлар микдори **аниқланган**.

**Ишнинг амалий аҳамияти.** Синтез қилиб олинган ошловчи моддалар, витаминлар РР, В<sub>2</sub>, Е ва фенол кислоталари хона ҳароратида сувда яхши эрийдилар ва қовушқоқлиги юқори эритмалар ҳосил қиласди. Бундай моддалардан олинган препаратлар тиббиётда гепертония, гастрит, қон кетишлилар ва авитаминозида ишлатилади.

**Диссертациянинг структураси.** *Диссертация кириши қисми, уч боб, хулоса қисми, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборатdir. Жами хажми саҳифада ёзилган. Кириши қисмida олий таълимнинг ривожланиши стратегияси, мазкур тадқиқот мавзунинг долзарбилиги, илмий янгилиги, амалий аҳамияти каби масалар мухокама этилган. Адабиётлар таҳлили бобида ўсимликларнинг кимёвий таркиби ва ишлатилишига бағишиланган замонавий хорижий адабиётлар маълумотлари мухокама этилган. З-бобни анаъанавий тарзда тажрибавий қисм ва натижалар ташкил этади. Адабиётлар рўйхати 50 та ўзбек ва хорижий манбалардан иборатdir.*

# I БОБ АСОСИЙ ҚИСМ

## I.1 Биологик фаол моддалар

Ўсимликларнинг кимёвий таркиби мураккаб ва турлича бўлади. Улар таркибida углевод, оқсил ва мойлардан ташқари, инсон организми учун фойдали ва муҳим аҳамиятга эга бўлган витаминалар, ферментлар, органик кислоталар, феноллар ва уларнинг хосилалари, эфир мойи, турли гликозидлар, алколоидлар, ошловчи моддалар, минераллар каби биологик фаол моддалар мавжуд. Бу моддалар ҳаёт фаолиятимизда жуда муҳим жараёнларнинг боришида иштирок этади. [3-4]

Биологик фаол моддалар ўсимликлар ҳужайрасида тўхтовсиз равишда биокимёвий ўзгаришлар юз бериб туриши натижасида юзага келади. Улар маълум вақт ва шароитда турли ўзгаришларга учрайди. Бунинг натижасида улар бошқа бирикмаларга айланади, мураккаб молекулали моддалар синтезида иштирок этади ёки ўзидан энергия чиқариб, оддий бирикмаларга парчаланиб кетади.

### Витаминалар

Витаминалар тузилиши ва таркиби жиҳатидан бир-биридан фарқ қиласиган, нисбатан кичик молекуляр массага эга бўлган органик моддалардир. Ўсимликлар таркибida бир-биридан тубдан фарқ қилувчи витаминалар учрайди. Уларнинг организмда бажарадиган функцияси ҳам турлича бўлади. Витаминалар асосан ўсимликларда ва микроорганизмларда синтез бўлади.

Витаминаларнинг 30 га яқин тури бўлиб, шулардан 20 таси А ва Д витаминалар ўсимликлар тўқимасида бўлмаганлиги сабабли *провитаминалар* деб номланади. Улар инсон организмида витаминга айланади. Витаминалар

ва провитаминлар ўсимликларнинг яшил баргларида, меваларида ва бошқа органларида кўп тўпланади.

Витаминлар асосан ўсимликларда ва микроорганизмларда синтезланади. Витаминлар, одатда, эрувчанлигига қараб икки группага бўлинади. Булар ёғда эрийдиган ва сувда эрийдиган витаминлар.

Ёғда эрийдиган витаминларга А, Д, К, Е, витаминлар гурӯҳи киради. Улар ёғда ва органик эритувчиларда яхши эрийди. Бу гурӯҳ витаминларнинг энг муҳим биологик хусусиятларидан бири организмда запас ҳолда тўпланишидир. Шунинг учун организм маълум вақт зарур миқдордаги витаминни истеъмол қиласа ҳам авитаминоз сезилмайди. Ёғда эрийдиган витаминлар физиологик протsesларда жуда муҳим рол ўйнайди. Лекин кўпчилигининг моддалар алмашинуви протsesларида иштирок этиш меҳанизми яхши ўрганилмаган. Бу витаминларнинг таркибида қўшбоғ тутгани учун оксидланиш-қайтарилиш реаксияларида иштирок этиши мумкин.

**Ферментлар** оддий, бир компонентли, фақат оқсил моддасидан ташкил топган ва мураккаб, икки компонентли бўлади. Икки компонентли ферментлар оқсил қисми ва оқсил бўлмаган, бошқа модда (кўпинча витаминлар), кофермент деб аталувчи қисмидан ташкил топади. Икки компонентли ферментларнинг фаоллиги кофермент қисмига боғлик. Ферментларсиз ўсимликлар йўқ, шунинг учун улар жуда ҳам кенг тарқалган.

## **Органик кислоталар**

**Органик кислоталар** ўсимликлар таркибида жуда кенг тарқалган бирикмалар бўлиб, улар ўсимлик тўқимасида соф ҳолда ёки тузлар ва мураккаб эфирлар таркибида учрайди. Ўсимликларда жуда кўп органик кислоталар бўлиб, уларнинг айримларигина организм учун аҳамиятлидир.

Органик кислоталардан чумоли кислота малина, олма меваларида учрайди. У ўткир хидли бўлади.

Пироузум ( $\text{CH}_3\text{COCOOH}$ ), оксалат ( $\text{HOOC}\text{COOH}$ ), қахрабо ( $\text{HOOCCH}_2\text{CH}_2\text{COOH}$ ), вино ва лимон ( $\text{HOOCCH}_2\text{HOOCCH}_2\text{COOH}$ ) кислоталари ҳамма ўсимликларда учрайди ва нафас олиш, бижгиш протессларида оралиқ модда сифатида ҳосил бўлади. Шулардан оксалат кислота ровоч ва шўракларда; вино кислота узум, тут, помидор ва ананасда; лимон ва қахрабо кислоталар лимонда қорақатда, ғўза баргларида, шафтоли ва қулупнай меваларида кўп тўпланади. Булардан ташқари, баъзи ўсимликлар тўқимасида хинин, салитсил, кумар ва кофеин кислоталар кўп тўпланади.[5]

## Гликозидлар

**Гликозидлар** қандларнинг турлича моддалар билан бирлашиб ҳосил қилган мураккаб бирикмасидир. Улар ўсимликлар дунёсида кенг тарқалган бўлиб, маълум шароитда ўзига хос ферментлар таъсирида қанд қисмига ва агликон қисмига парчаланади. Улардан фенол гликозиди, тсианоген гликозиди, тиогликозид, монотерпен гликозид, тритерпен гликозидлари даволовчи хусусиятга эга.

Гликозидлар ўсимликлар дунёсида кенг тарқалган. Улар ўсимликларнинг барча органлари ҳужайрасида, яъни ҳужайра ширасида эриган ҳолда учрайди. Ўсимликлар таркибида бир нечта гликозидлар бўлиши мумкин. Баъзи гликозидлар ўсимликларнинг барча оиласига хос бўлиб, улар шу оиласига кирадиган турларда кенг тарқалган. Шу билан бир қаторда бир груп гликозидлар бир нечта оиласига кирадиган ўсимликларда ҳам бўлиши мумкин. Улар ўсимликларнинг тўқималарида бўладиган моддалар алмашинуви протессида фаол қатнашади. Гликозидларга углеводларнинг запас ҳолда йигилган шаклларидан бири деб ҳам қаралади.

Соф ҳолда ажратиб олинган гликозидлар кристалл модда, уларнинг кўпчилиги органик эритувчиларда эримайди, спиртда ёмон, сувда яхши эриди.

Гликозидларнинг терапевтик таъсири агликонларга (қандсиз қисм) боғлик. Қандлар агликонларнинг сувда эришини ҳамда ҳайвонлар организмида шимилишини тезлаштиради. Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, гликозид молекуласидаги қандлар агликонларнинг таъсир кучини тезлаштириши ва ўзгартириши мумкин.

Амигдалин гликозиди аччик бодом, шафтоли, ўрик донаги, олма уруғи таркибида учрайди. У глукоза, бензор алдегид ва сианид кислоталарнинг бирикишидан ҳосил бўлади.

Глюкованил ванил мевасида, солонин картошка тугунагида, кварсетин пиёзнинг рангли ташки пўстида, солодка ва этмак илдизида сопонин гликозидлари учрайди.

Марваридгул гулидан, ангишвонагул баргидан ва Адонис ўсимлигидан юрак мускулларини даволайдиган глукозидлар олинади. Гликозидлар озиқ-овқат саноатида, тиббиётда, таехника ва бошқа соҳаларда кенг фойдаланилади.[5-6]

## **Флаваноидлар**

**Флаваноидлар** кимёвий тузилиши бўйича ўзаро яқин ва умумий углерод склетига эга бўлган органик бирикмаларнинг катта гуруҳидир. Уларнинг бир қисми А витамин таъсирига эга бўлиб, қон томирларнинг ўтказувчанлиги ва мўртлигиникамайтиради. Баъзи ўсимликларнинг flavanoидлари ўт ва сийдик ҳайдовчи хоссага эга.

Соф ҳолдаги флаваноидлар ва улар суммасининг препаратлари ҳамда таркибида флаваноидлар бўлаган ўсимлик ва маҳсулотлардан тайёрланган

доривор препаратлар витамин А етишмаслигига ҳамда қон томирларнинг ўтказувчанлиги бузилишидан келиб чиқадиган ва бошқа касалликларни даволаш учун, қон босимини пасайтирувчи, ўт ва сийдик ҳайдовчи восита сифатида, кордиотоник тинчлантирувчи, яллиғланишга ва рак касаллигига қарши таъсирда қўлланилади.

Ўсимликлардан ажратиб олинган биринчи флаваноид сариқ бўлгани учун ҳам бу группадаги бирикмаларга фаланоидлар (лотинча флавиум-сариқ сўзидан олинган) деб ном берилган. Флаваноидлар табиатда кенг тарқалган бўлиб, юқори ўсимликларнинг қарийб ҳаммасида учрайди. Айниқса, дуккақдошлар, астррагулдошлар, айиқтовондошлар, раъногулдошлар ва бошқа оиласаларнинг вакиллари флаваноидларга бой бўлади. Бу гурӯҳ бирикмалар ўсимликлар ҳамма органларининг ҳужайра ширасида эриган ҳолда бўлиб, айрим органларида оз миқдорда, ўсимликларнинг гуллари ва баргида кўп, токи 44% гача тўпланади. Флаваноидларни асосан ўсимликлар гуллаган пайтда максимал миқдорда камайиб боради. Жанубий раёнларда ҳамда очиқ қуёш нури кўп тушадиган ерда ўсадиган ўсимликлар, одатда, бошқа ерда ўсадиган турига нисбатан флаваноидларни кўпроқ синтез қиласи.

Ўсимликлардан ажратиб олинган соф ҳолдаги флаваноидлар рангизз ёки зарғалдоқ ва сариқ рангли кристалл моддадир. Флавоноидларнинг гликозидлари спиртда яхши, совуқ сувда ёмон эрийди. Эфир, хлороформ ва бошқа органик эритувчиларда эримайди, агликонлари эса спирт, эфир ва атсетонда яхши эрийди. Флаваноидлар қайноқ сувда яхши эриб, сув совигандан сўнг қайта чўкади. [7]

## **Кумарин ва фурокумаринлар**

Кумаринларнинг бошланғич бирикмаси – кумарин биринчи марта 1820-йилда Фогел томонидан дуккақдошлар оиласига мансуб ўсимлик

мевасидан ажратиб олинган. Ўсимликнинг таркибида кумариннинг одатдаги окси- ва метокси- хосилаларидан ташқари, уларнинг фуран хосилалари бўлган фуроқумаринлар ҳам кўп учрайди. Кумаринлар ўсимликларнинг ҳамма органлари тўқималарининг хужайра ширасида эриган ҳолда учрайди. Улар асосан илдиз, пўстлоқ ҳамда мевада кўп, барг ва пояда кам тўпланади.

Ўсимликлар таркибидаги кумаринлар миқдори ҳам ҳар хил бўлади. Улар жуда оз миқдордан тортиб, то 10% гача тўпланиши мумкин. Одатда битта ўсимлик таркибида бир қанча ҳар хил кумаринлар учраши мумкин. Кўпинча, кумаринлар ўсимликларда соф ҳолда ва оз миқдорда ўзининг гликозидлари ҳолида учрайди.

Кумаринларнинг ўсимликлар таркибидаги миқдори ва сони ўсимликларнинг ўсиш жойига, тарақкий қилиш даврига ва бошқа асосларга қараб ўзгариши мумкин.

### **Ошловчи моддалар**

**Ошловчи моддалар** (таниidlар) ўсимликларнинг ҳамма қисмида кўп миқдорда тўпланади. Улар ўзига хос тахир ва кислотали хусусиятга эга бирикмалардир. Ҳайвонларнинг ҳом терисини ошлаш хусусиятига эга ва кўп атомли феноллар хосиласиданташкил топган ҳамда ўсимликлардан олинадиган юқори молекулали захарсиз мураккаб organis бирикмалар ўсимликнинг ошловчи моддалари – таниidlар деб аталади.

Ошлаш жараёнида ошловчи моддалар терининг оқсил моддалари билан бирикиб, эримайдиган бирикма ҳосил қиласи. Натижада, ҳайвонлар териси ўзидан сув ўтказмайдиган, чиримайдиган, эластик ва шу каби хусусиятларга эга бўлади. Таниidlарнинг терини ошлаш хусусияти инсонларга қадимдан маълум.

Танидлар табиатда кенг тарқалган бўлиб, айниқса, икки паллали ўсимликлар синфига киравчи оилаларда, масалан, раъногулдошлар, дуккакдошлар, қорақатдошлар, торондошлар, пистадошлар ва бошқа оилаларда кўп учрайди. Танидлар, айниқса, ғаллаларда, яъни ўсимликларнинг паталогик ўсимталарида бўп бўлади.

Ўсимликлардан ажратиб олинган ошловчи моддалар – танидларнинг бир қанча формалари аралашмасидан иборат, шунинг учун улар аморф порошок ҳолида бўлади. Соф ҳолда ажратиб олинган баъзи компонентлар, масалан катехинлар – эса кристалл ҳолда бўлади.

Танидлар сувда, ҳар хил даражадаги спиртда ва сирка кислотанинг этил эфирида яхши, бошқа органис эритмаларда ёмон эрийди ёки бутунлай эrimайди. Ошловчи моддаларнинг сувдаги эритмаси оч қўнғир рангли, ҳидсиз ва буриштирувчи мазали, кучсиз кислотали ҳоссага эга бўлган коллоид эритма.

Улар полифенолларнинг хосиласи ҳисобланади. Танидлар ич кетганда тўхтатувчи, ични юритувчи, яраларни даволовчи, антисептик, қон оқишини тўхтатувчи ва яллиғланишга қарши таъсир қўрсатувчи моддалардир. Улар баъзи алкалоидлар, гликозид ва оғир металлар тузлари билан заҳарга қарши восита сифатида қўлланилади.

Дуб дарахти пўстлоғида 8-12%, сумах, скумпия баргларида 16-32%, таран илдизида 13-27% ошловчи моддалар бўлади. Ошловчи моддалар баъзи бактерияларга салбий таъсир қўрсатади. Улар ўсимликларнинг ўсиш протессларини жадаллаштиради ва иммунитет ҳосил бўлишида қатнашади.[7-8]

## Алкалоидлар

**Алкалоидлар** ўсимлик тўқималарида тайёр ҳолда учрайди. Уларнинг аксарияти заҳарли моддалардир.

Алкалоидлар олма, сут, вино ва лимон кислоталар билан қўшилиб, тузлар шаклида ўсимликлар тўқимасида тўпланади. Дуккақдошлар, кўкноригулдошлар ва итузумгулдошлар оиласига кирган ўсимликлар таркибида алкалоидлар кўп бўлади. Айни вақтда алкалоидларнинг мингдан ортиқ тури бўлиб, шулардан юздан ортиғи Ўзбекистонда ўсадиган ўсимликлар таркибидан ажратиб олинган, уларнинг кимёвий тузилиши аниқланган бўлиб дори-дармон сифатида ишлатилмоқда.

Таркибида алкалоид бўлган ўсимликлар қадимдан ишлатиб келинса-да, бундан тахминан 190 йил муқаддам алкалоидларни ўрганиш ва текшириш соҳасида илмий ишлар бошланади. 1972-йилда франсуз олими Фрукруа хин дарахти пўстлоғи таркибидаги алкалоидларни текширди ва уларни смола ҳолида ажратиб олди.

1936- йилдан бошлаб Ўзбекистон миллий университети Кимё факултетида Содиков О.С. Ўзбекистонда ёввойи ҳолда ўсадиган алкалоидли ўсимликларни текшира бошлади. 1946-йилга келиб шу факултет қошида ўсимликларни ўрганиш бўйича дунёда биринчи ўрганиш кафедраси ташкил қилинди.

Кўпчилик алкалоидлар рангсиз, хидсиз, аччиқ мазали, учмайдиган, қаттиқ кристалл ёки аморф модда. Шу билан бирга рангли, суюқ, хидли ва учувчан алкалоидлар ҳам бўлади.

Ўсимлик тўқимасида алкалоидлар, кўпинча органик, минерал ва баъзан ўсимликларнинг ўзига хос кислоталар билан бириккан тузлар ҳолида учрайди. Соф ҳолдаги алкалоидлар органик эритувчиларда яхши эрийди, аммо органик эритувчиларда эримайди. Асос ҳамда туз ҳолидаги алкалоидлар спиртда бир хилда яхши эрийди. Шу билан бирга сувда ва

органик эритувчиларда бир хилда яхши эрийдиган соф алкалоидлар ҳамда сувда ёмон эрийдиган алкалоид тузлари ҳам учрайди.

Алкалоидлар кислоталар билан бирикиб, кристалл ҳолдаги тузлар ҳосил қиласы. Бу реаксияда алкалоид молекуласига кислотанинг бутун молекуласи қүшилады. Одатда, алкалоид тузини олиш учун яхши кристалланадиган туз ҳосил қилувчи кислотадан фойдаланилади. Алкалоидлар жуда кучсиз асос хусусиятига эга, шу сабабли улар ўз тузларидан бошқа асослар (ҳатто, натрий карбонат ёки калий карбонат эритмалари ҳам) таъсирида осонлик билан сиқиб чиқарилади. Алкалоидлар молекуласида углерод, водород ва азот атомлари бўлиши керак, кислород бўлиши шарт эмас. [8-9]

## I.2 Биологик фаол моддаларнинг инсон организмидаги аҳамияти

**Биологик фаол моддалар** енгил ҳазм бўлади, юрак-қон томирлари, асад системаси, меъда-ичак йўли, жигар, буйрак, нафас йўллари, модда алмашинувининг бузилиши ва бошқа касалликларнинг олдини олиш ҳамда даволашда кенг қўлланилади. Биологик фаол моддалар ҳаёт учун зарур бирикмалардир. Уларнинг асосий манбаи ўсимликлар ҳисобланади. Биологик фаол моддаларнинг инсон организмига таъсири турлича. Улар ёш болаларнинг тўғри ўсиши ва ривожланиши ҳамда кексаларнинг организмида бораётган моддалар алмашинуви жараёнининг фаолиятини кучайтириш учун фойдали ва аҳамиятлидир. Юқорида кўрсатиб ўтилган бирикмаларнинг барчasi инсон ҳаётида маълум аҳамият касб этади. Бу бирикмалар инсон организмига фақат овқат таркибида киради. Овқат таркибида ушбу бирикмаларнинг етарли бўлмаслиги ёки бутунлай бўлмаслиги турли касалликлар келиб чиқишига сабаб бўлади.

**Витаминалар** инсон учун оз миқдорда зарур бўлса ҳам организм ҳаётида муҳим вазифани бажаради. Улар модда алмашинувини, ички безлар

ишини фаоллаштиради. Баъзилари эса икки компонентли ферментлар таркибига кириб, организмда узлуксиз содир бўлиб турадиган биокимёвий жараёнларнинг катализатори сифатида моддалар алмашинувини таъминлайди.

**Ферментлар** муайян моддаларгагина таъсир этувчи бўлиб, улардаги кимёвий ўзгаришларни каталитик йўл билан тезлатувчи мураккаб органик бирикмалардир. Организмда содир бўладиган барча жараёнлар ферментлар иштирокида боради.


Касалликни даволаш учун ишлатиладиганлари асосан ароматик ва ароматик окси кислоталардир. Улар ўсимликлар тўқимасида асосан мураккаб бирикмалар таркибида учрайди. Фенол кислоталар сийдик ва ўт ҳайдаш, яллиғланишга қарши ҳамда майда қон томирлари деворини мустаҳкамлаш каби таъсир кўрсатади. Тўйинмаган юқори молекулали ёғ кислоталаридан олеин, линол, ленолен, арахидан кабиларидан инсон организмида биологик фаол бўлган ҳамда организмга турлича таъсир кўрсатувчи **простогландинлар** синтез бўлади.

Соф ҳолдаги **флаваноидлар** ва улар суммасининг препаратлари ҳамда таркибида флаваноидлар бўлган ўсимлик ва маҳсулотлардан тайёрланган доривор препаратлар витамин П етишмаслигида ҳамда қон томирларнинг ўтказувчанлиги бузилишидан келиб чиқадиган ва бошқа касалликларни даволаш учун, қон босимини пасайтирувчи, ўт ва сийдик ҳайдовчи восита сифатида, кордиотоник тинчлантирувчи, яллиғланишга ва рак касаллигига қарши таъсирда қўлланилади.

## ТАРКИБИДА ФЛАВОНОИДЛАР БЎЛГАН ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

Флавоноидлар деб бензо- $\gamma$ -пирон (хромон) унуми ва асосида C<sub>6</sub>-C<sub>3</sub>-C<sub>6</sub> углерод атомларидан ташкил топган фенил пропан скелети бўлган табиий бирикмаларнинг катта гурухига айтилади.

Ўсимликлардан ажратиб олинган биринчи флавоноид сариқ бўлгани учун ҳам бу гурӯх бирикмаларга флавоноидлар (лотинча флавум сариқ деган сўздан олинган) деб ном берилган.



### 2-финил бензо-γ-пирон, флавон

Флавоноидлар табиатда кенг тарқалган бўлиб, юқори ўсимликларнинг, қарийиб ҳаммасида учрайди. Айниқса, дуккақдошлар, астрадошлар, мураккабгулдошлар, селдердошлар, соябонгулдошлар, айиктовондошлар, паногулдошлар ва бошқа оиласарнинг вакиллари флавоноидларга бой бўлади яний антиоксидантлик хусусиятига бой, ҳайвонлар флавоноидларни синтез қилмайди. Бу гурӯх бирикмалар ўсимликларнинг ҳамма органларининг ҳужайра ширасида эриган холда бўлиб, айрим органларда (масалан, эр ости органлари ва појда) оз миқдорда, ўсимликларнинг гуллари ва баргида кўп, токи 44 % гача (япон софорасининг гулида) тўпланади. Флавоноидлар асосан ўсимликлар гуллаган даврда максимал миқдорда тўпланади, кейинчалик эса миқдори камайиб боради.

Жанубий туманларда ҳамда очиқ қўёш нури кўп тушадиган ерда ўсадиган ўсимликлар одатда бошқа ерда ўсадиган турига нисбатан флавоноидларни кўпроқ синтез қиласи. Табиатда флавонол унумлари кўпроқ (антиоксидантлик миқдорининг 40% ини ташкил этади), флавононлар, халконлар ва ауронлар камроқ учрайди.


## ФЛАВОНОИДЛАРНИНГ ЎСИМЛИКЛАР ХАЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ

Флавоноидларнинг ўсимликлар ҳаётидаги аҳамияти етарли ўрганилган емас. Кейинги вақтларда бу соҳада илмий тадқиқот ишлари олиб борилмокда. Ҳозирча қўйидаги фикрлар мавжуд;

1. Флавоноидлар ўсимлик гули ва мевалари рангининг шаклланишида иштирок этади. Бй эса ҳашаротларни ўзига жалб қиласди ва гулнинг улар ёрдамида чангланишга имкон туғдиради.
2. Ўсимликларнинг ўсиш жараёнини тартибга солиб туради.
3. Ўсимликларнинг касалликка чидамли бўлишида малум рол ўйнайди. Масалан, нўхатак ўсимлигининг барги замбуруглар билан заарланса, баргда физетин flavonoidи синтезланади ва замбуругни ривожланишига тўсқинлик қиласди. Соғлом нўхатак барги таркибида физетин бўлмайди.
4. Ўсимликлар тўқимасида бўладиган оксидланиш ва қайтарилиш жараёнида фаол иштирок этади деган фикрлар ҳам бор. Агар flavonoidларнинг ҳамма гурухларини кўз олдимизга келтириб, уларнинг биридан иккинчисига ўтиш жараёнини фараз қилсак, юқорида айтилган фикрни тўғри дейиш мумкин. Чунки flavonoidлар биридан иккинчисига ўтиш жараёнида оксидланади ёки қайтарилади.


Флавоноидлар flavon молекуласидаги Б ҳалқанинг оксидланиш даражасига қараб қўйидаги гурухларга бўлинади:

1. Флавонлар — flavonoidларнинг юқори оксидланган бирикмаси — flavon унумлари бўлиб, уларнинг Б ҳалқасидаги (3- углеродли фрагментдаги) 2 ва 3- углерод атомлари ўртасида қўшбоғ бўлади. Флавонлар рангсиз ёки сариқ рангли бирикмадир.




Флавон

2. Флавоноллар. — 3-оксифлавон (флавон молекуласидаги 3-углерод атомида гидроксил — OH гурухи бўлади) унумлари. Бу бирикмалар ранги сариқ бўлади.



флавонол (3-оксифлавон)


3. Флаванонлар — флаванон (Б ҳалқадаги 2-ва 3-углерод атомлари ўртасида қўш боғ бўлмайди) унумлари. Рангсиз бирикма.



Флаванон

4. Флаваноноллар — 3-оксифлаванон (флаванон молекуласининг 3-углерод атомида —  $\text{O}^+$  гурухи бўлади) унумлари. Бу бирикмалар ҳам рангсиз.


5. Антотсианидинлар - қайтарилиган бензо- $\gamma$ -пиран — флаван унумлари бўлиб, Б ҳалқадаги 3- ва 4-углерод атомлари ўртасида қўш боғ бор. Бу бирикмалар гуллар ва меваларнинг турли рангга бўялишининг сабабчиси хисобланиб, одатда ўсимликларда оксоний ёки карбоний тузлари (ҳам ишкорлар, ҳам кислоталар билан туз хосил қиласи) холида бўлади.



### Антотсианидинлар


6. Лейкоантотсианидинлар (3,4-флавандиоллар) — катехинларга якин, рангсиз бирикма. Улар антотсианидинларнинг қайтарилиган формаси бўлиб, кислоталар билан киздирилса, рангли антотсианидинларга айланади. Бу бирикмалар ўсимликларда соф холда учрайди.

7. Катехинлар — қайтарилиган бензо- $\gamma$ -пиран-флаваннинг унумлари бўлиб, В ҳалқада доимо гидроксид — $\text{O}^-$  гурухи сақланади. Катехинлар рангсиз бирикмадир.




## Катехин (3-флаванол)


8. Халконлар — халконунумлари, сариқ ёки зарғалдоқ рангли бирикмалар. Халконларда пирон ҳалқаси бўлмасдан, уларни флаванонларнинг изомери деб қараш мумкин.




9. Дуронлар — аурон унумлари, сариқ ёки зарғалдоқ рангли бирикмалар, Б ҳалқаси 5 азоли бўлади.



Бази флавоноидлар молекуласидаги С ҳалқаси (фенил радикали) 2 — углерод атомига емас, балки 3- углерод атомига бирлашган бўлади. Бундай бирикмалар изофлавонлар деб юритилади.





Изофлавон

Дўлананинг мевасининг кимёвий таркиби тритерпен сапонинлар (урсол ва олеанол кислоталар), хлороген ва кофе кислоталар, сорбит, холин, атсетилхолин, флавоноидлар, ошловчи ва бошқа моддалар бўлади. Гули таркибida урсол, олеанол кофе хлороген кислоталар, флавоноидлар 0,16 % гача эфир мойи, холин, атсетилхолин ва бошқа моддалар бор.

**Ишлатилиши.** Флавоноидларнинг барча турида антиоксидантлик тасир кучи мавжудлиги учун тибиётда жуда кўп мақсадларда фойдаланилади масалан, дўлананинг доривор препаратлари юрак касалликларида (юрак ишининг функционал бўзилиши, оғир касалликлардан сўнг юракнинг кучсизланиши, гипертония касаллигининг бошланишида) ишлатилади. Бундан ташқари, аёлларда климакс даврининг бошланишида қўлланилади.

**Доривор препаратлари.** Меванинг суюк экстракти ва дамламаси, гулининг настойкаси ва дамламаси. Дўлананинг суюк экстракти кардиовален препарати таркибига киради. Мевадан базан настойка ҳам тайёрланади. [10-13]

**Кумаринлар ва фурокумаринлар** флавоноидларга нисбатан ўсимликлар дунёсида анча кам учрайди. Улар бактериостатик, замбуруғ, қон ивиши, рак ва спазма касалликларига қарши таъсирга эга. Баъзи фурокумаринлар организмни қуёш нурига сезгиригини оширади. Шунинг учун улар витилиго-лейкодермия (пес) касаллигини даволашда қўлланилади.

Кумаринлар, фурокумаринлар ва таркибида бу гурух бирикмалари бўлган ўсимликлардан олинган препаратлар қон ивишига қарши, юрак қон томирини кенгайтиришга, хавфли ўсмаларга қарши ва бошқа таъсиrlарга эга. Шунинг учун бу препаратлар тромбоз, спазм, рак, ва бошқа касалликларни даволашда қўлланилади.

Ўсимликлардан ажратиб олинган ошловчи моддалар – танидларнинг бир қанча формалари аралашмасидан иборат, шунинг учун улар аморф порошок ҳолида бўлади. Соф ҳолда ажратиб олинган баъзи компонентлар, масалан катехинлар – эса кристалл ҳолда бўлади.

Танидлар сувда, ҳар хил даражадаги спиртда ва сирка кислотанинг этил эфирида яхши, бошқа органис эритмаларда ёмон эрийди ёки бутунлай эrimайди. Ошловчи моддаларнинг сувдаги эритмаси оч қўнғир рангли, ҳидсиз ва буриштирувчи мазали, кучсиз кислотали ҳоссага эга бўлган коллоид эритма.

Улар полифенолларнинг хосиласи ҳисобланади. Танидлар ич кетганда тўхтатувчи, ични юритувчи, яраларни даволовчи, антисептик, қон оқишини тўхтатувчи ва яллиғланишга қарши таъсиr қўрсатувчи моддалардир. Улар баъзи алкалоидлар, гликозид ва оғир металлар тузлари билан заҳарга қарши восита сифатида қўлланилади.

**Алкалоидлар** тиббиётда ишлатиладиган доривор моддалар ичида энг қимматлиси ҳисобланади. Улар кўпинча спетсифик ва бошқа дорилар билан алмаштириб бўлмайдиган таъсирга эга бўлганлиги учун турли касалликларни даволашда кенг миёсда ишлатилади.

Бугунги кунда ўсимликлардан **биологик фаол моддаларни** ажратиб олиш, улардан турли дори-дармонлар тайёрлаш, биологик фаол қўшимчалар тайёрлаш кенг қамровда ривожланиб бормоқда. Бу борада Ўзбекистондаги кимёгарлар томонидан ҳам бир қанча ишлар олиб

борилмоқда. Шу кунга қадар юртимиз кимёгар олимлари томонидан иммуне тизимини яхшиловчи “Эксумид”; қандли диабет касаллигини олдини олувчи “Гипогликсан”; таркибида Са элементини сақловчи “Экдиферин”; бўғимлар фаолиятига ижобий таъсир кўрсатувчи “Эқдитон” препаратлари яратилди ва кишиларни соғлигини мустаҳкамлаш учун юкори самарадорлик даражасида фойда келтирмоқда.

### **Эфир мойлари**

**Эфир мойлари** деб ўсимликлардан сув буги ёрдамида ҳайдаб олинадиган, махсус ҳиди ва мазаси бор учувчан органик моддалар аралашмасига айтилади.

Хушбўй ҳидли ўсимликлар ва улардан олинадиган баъзи махсулотлар қадимдан маълум. Одамлар бу махсулотларданкасалликларни даволашда, овқат тайёрлашса кенг фойдаланиб келганлар. Ўрта асрларда араблар ўсимликлардан эфир мойларини сув билан ҳайдаб олиш ва уларни сувдан ажратиш усуулларини яхши билар эдилар.

Ефир мойлари органик моддалар аралашмаларидан иборат бўлиб, таркибига барча тўйинган ва тўйинмаган бирикмалар: терпенлар, спиртлар, ёғ кислоталари, феноллар, муракқаб эфирлар, алдегидлар, кетонлар, лактонлар ва таркибида азот ҳамда олтингугурт бўлган бошқа органик бирикмалар киради.

Таркибида кислород бўлган бирикмалар ва уларнинг эфирлари эфир мойларига хушбўй ҳид беради. Эфир мойлари ўзига хос, асосан ароматик ҳид ва ўткир мазали, учувчан органик бирикмалардан ташкил топган аралашмалардир. Улар балғам қўчирувчи, ўт ва сийдик ҳайдовчи, иштаха очувчи, дезинфексия қилувчи, антисептик, спазмга қарши таъсир кўрсатади.

### **I.3 Макро -ва микро элементлар**

Маълумки микроорганизмларнинг метобалитик жараёнлардаги функцияси уларнинг биологик фаол моддалар ва ҳужайранинг генетик аппарати таркибида бўлиши билан боғлиқ. Шунинг учун уларнинг аҳамияти ҳақидаги фикр юритилганда масалага ферментатив ва гормонал фаолликни намоён бўлишида шунунгдек, биологик макромолекулаларнинг архетектоникаси ва ўз функциясини бажаришида микроелементларнинг ролини аниқлаш нуқтаи назаридан ёндашиш керак бўлади. Бунда, микроелементларнинг роли бўйича уч хил жиҳатни аниқлашга эътиборни қаратиш лозимdir.

1. Оқсил молекуласини фаол конформатсион ҳолатда бўлишини таъминлаш.
2. Фермент, кофермент, субстрат ўртасида координатсион комплекс ҳосил қилиш.
3. Субстрат молекуласининг электрон тузилмасини ўзгартириш.

Бу функциялар бир - бирини инкор қилмай, балки бир вақтнинг ўзида амалга ошиши мумкин. Элементларнинг ҳаётий жараёнлар учун зарурийлиги тўғрисидаги тавсифни Котсиас берган. Умуман олганда ҳаётий жараёнлар учун зарур бўлган элементларни 5 гурӯхга бўлиш мумкин.

1. Макроэлементлар – тирик организмларнинг танасининг асосий массасини ташкил қилувчи ва нисбатан паст атом массага эга бўлган 11 та элемент (H, C, N, O, Na, Mg, P, S, Cl, K, Ca)
2. Физиологик функцияси аниқланган ҳаётий жараёнлар учун зарур бўлган элементлар, улар анча юқори атом оғирликка ва тартиб рақамига эга бўлган 16 та элемент.
3. Физиологик фаол элементлар. Уларнинг умумий сони 19 та.
4. Биологик функцияга эга бўлиши мумкин, лекин ҳали етарли ўрганилмаган элементлар. Уларнинг умумий сони 32 та.

5. Ҳаётий функцияга эга бўлиш эҳтимоли кам бўлган элементлар. Бу элементлар қаторига 28 та элемент киради.

Шундай қилиб, ҳозирги кунгача ҳаётий жараёнларда иштирок этадиган элементлар жумласига жами 78 та элемент кириб, рух улар орасида юқоридаги таснифга кўра иккинчи гурӯҳга киради.

**Микроэлементлар** - организм, одатда, энг муҳим микроэлементларнинг асосий физиологик ва гигиеник хусусиятларига таъсирик этади, иммунитет реакциялари, қон ҳосил қилиш ва тўқиманинг нафас олишида қатнашади, ҳайвонларда микроэлементлар етишмаса озади, бўйи ўсмайди, скелети ривожланмайди. Бўй ўсиши ва организм ривожланишига ёрдам беради, қон ҳосил қилиш, иммун реакциялар ва тўқиманинг нафас олишида қатнашади. Ферментлар таркибига киради, қушлар ва ҳайвонларнинг ўсишини тезлаштиради, қорамолларда кўпайиб кетса, молибденоз касаллиги пайдо бўлади. Тишни бақувват қиласи, қон ҳосил қилиш ва иммунитет реакцияларига, скелетнинг ривожланишига ёрдам беради, кўпайиб кетганда флюороз пайдо бўлади. Қон ҳосил қилиш жараёни, ички секретсия безлари фаолиятида иштирок этади; микроэлементлар етишмаганида ҳайвонларнинг бўйи ўсмайди ва болалashi камаяди массаси 0,001% гача) учрайдиган кимёвий элементлар. Тупроқ ва тоғ жинслари, сув таркибидаги айrim макроэлементлар кўпчилик ҳайвонлар, ўсимликлар ва одам учун фойдали ҳисобланади.

Организмда микроэлементлар хилма-хил биологик фаол бирикмалар: ферментлар, витаминалар, гормонлар ва бошқа таркибида киради. Бу микроэлементлар таъсири, асосан, организмда моддалар алмашинуви жараёнлари фаоллигининг ўзгаришида намоён бўлади. Баъзан микроэлементлар организмларнинг ўсиши, қон ҳосил қилиши, тўқималар орқали нафас олиш жараёнлари, ҳужайралар ичи моддалар алмашинуви ва бошқа таъсири кўрсатади.

Тупроқда микроэлементлар кам ёки кўп бўлса, ўсимлик ва ҳайвонлар организмида микроэлементлар етишмовчилиги ёки ортиқлиги пайқалади.

Чорва молларининг маҳсулдорлигини ошириш учун мол озиғига микроэлемент қўшиб берилади. Ўсимлик ва ҳайвон маҳсулотларидан иборат озиқ-овқат одам организмига кирадиган микроэлементнинг асосий манбаидир. Ичиладиган сув одам организмининг ёд, мис, рух, марганец, кобалт қаби микроэлементга бўлган суткалик эҳтиёжининг факат 1 — 10% ини таъминлайди.

Микроэлемент организмда бир хил тарқалмайди. Уларнинг бирор органда кўп тўпланиши элементнинг физиологик роли ва шу органнинг ўзига хос фаолиятига боғлиқ (масалан, жинсий безларда энг кўп тўпланади ва уларнинг функциясига таъсир этади); баъзи ҳолларда микроэлементларнинг органлар функциясига таъсир этиши тўпланиш жойига боғлиқ бўлмайди. Одам организмида кўпчилик микроэлемент (Al, Ti, Cl, Pb, F, Sr, Ni) миқдори ёшга қараб орта боради. Ўсиш, ривожланиш даврида микроэлемент миқдори тез ортиб, 15—20 ёшга етганда камаяди ёки тўхтайди. Микроэлементлар организм ҳаёт фаолияти учун муҳим бўлиш-бўлмаслигига кўра, зарур (Co, Fe, Cu, Zn, Mn, I, F, Br) ва унчалик зарур бўлмаган (Al, Sr, Mo, Se, Ni) турларга бўлинади.

Клиник тиббиётда Co, Fe, Cu қаби микроэлементнинг препаратлари анемиянинг баъзи турларини даволашда, Vg ва I фармакологик моддалар сифатида қўлланади. Микроэлемент гигиенада муваффақият билан ишлатилмоқда (эндемик буқоқнинг олдини олишда туз ва нонни ёдлаш, тиш чиришига қарши сувни фторлаш ва х.к.).

Ўсимлик тўқималарининг ҳосил бўлиши, унинг ўсиши ва ривожланишида 70 дан ортиқ кимёвий элемент иштирок этади. Улардан энг асосийси углерод, кислород ва водород бўлиб, ўсимлик қуруқ массасининг 90 % ни ташкил этади; улардан энг асосийси углерод кислород ва водород

бўлиб ўсимлик умумий массасининг 90% ни ташкил этади; 8—9% ўсимлик массасини эса азот фосфор, калий, магний, олтингугурт, натрий, калций ташкил этади. Бу ўнта элемент **макроэлементлар** дейилади. [14-16]

#### **I.4.Макро ва микроэлементларнинг инсон организмидаги ахамияти**

Одам организмидаги кимёвий элементларни синфларга ажратишнинг бир неча турлари мавжуд. В.И.Вернадский кимёвий элементларни тирик организмдаги масса улушларига биноан қуидаги уч гурухларга (1-жадвал) бўлди:

- макроэлементлар. Уларнинг организмдаги масса улуши  $10^{-2}\%$  дан юқори. Уларга **O, H, C, N, P, S, Ca, Mg, Na, K** ва **Cl** киради;
- микроэлементлар. Уларнинг организмдаги масса улуши  $10^{-5}\%$  дан  $10^{-2}\%$  гача боради. Бу элементларга **Fe, I, Cu, As, F, Br, Sr, Ba, Co** киритилади;
- ултрамикроэлементлар. Уларнинг организмдаги миқдори  $10^{-5}\%$  дан кам бўлади.

Бу элементларга **Hg, Au, U, Th, Ra** каби элементлар киритилади.

1-жадвал. Одам организмидаги кимёвий элементларнинг миқдори

Элементларнинг масса улушлари,%	Кимиёвий элементлар( масс. %)
10 ва ундан кўп	O(62), C(21), H(10)
1-10	N(3), Ca(2), P(1)
0,01-1,0	K(0,23), S(0,16), Cl(0,1), Na
$10^{-3}$ - $10^{-2}$	0,08),Mg(0,027)
$10^{-4}$ - $10^{-3}$	Fe(0,01)
$10^{-5}$ - $10^{-3}$	Zn,Sr
$10^{-5}$ - $10^{-4}$	Cu,Co,Br, Cs, Si
$10^{-6}$ - $10^{-3}$	I

$10^{-7}$ - $10^{-4}$	Mn, V, B, Cr, Al, Ba
$10^{-8}$ - $10^{-5}$	Mo, Pb, Ti
$10^{-7}$ - $10^{-5}$	Be, Ag
$10^{-7}$ - $10^{-6}$	Ni, Ga, Ge, As, Hg, Bi
$10^{-12}$ - $10^{-4}$	Th Ru

Хозирги пайтда ултрамикроэлементларни ҳам микроэлементлар жумласига киритилмоқда. Қуйидаги жадвалларда одам организмидаги кимёвий элементларнинг масса улушлари келтирилган. Бундай синфлаш организмдаги кимёвий элементларнинг фақат миқдоринигина ифодалайди, лекин уларнинг биологик аҳамиятини кўрсатмайди.

B.B. Ковалский кимёвий элементларни уларнинг ҳаёт учун муҳимлиги жиҳатидан уч гурухга бўлди:


- ҳаёт учун энг зарур элементлар. Улар одам организмидан доимо мавжуд. Улар ферментлар, гормонлар, витаминлар таркибига кирадилар: **C, H, N, P, S, Ca, Mg, Na, K, Cl, I, Fe, Mn, Cu, Co, Zn, Mo, V.** Бу элементларнинг етишмаслиги киши организми фаолиятининг бузулишига олиб келади;

-аралаш элементлар. Улар одам ва ҳайвон организмидан ҳар доим бор, уларнинг биологик аҳамияти тўла ўрганилган эмас: **Ga, Sb, Sr, Br, F, B, Be, Li, Si, Sn, Cs, Al, Ba, Ce, As, Pb, Ra, Bi, Cd, Ni, Ti, Ag, Th, Hg, U, Se.**

-одам ва ҳайвонлар организмидан топилган, лекин миқдори ва биологик аҳамияти аниқланмаган элементлар: **Sc, Tl, In, La, Pr, Sm, W, Re, Th** ва бошқалар.

**Турли хил ҳужайра ва организмларнинг тузилиши ва ҳаёт фаолияти учун зарур бўлган элементларни биоген элементлар дейилади.**

Биоген элементларнинг аниқ сонини кўрсатиш ҳозирги вақтда жуда мушкул иш, чунки жуда оз миқдорда бўладиган микроэлементларни аниқлаш, уларнинг биологик аҳамиятини кўрсатиш ниҳоятда мураккабдир. Ҳозирги пайтда 24 та элементнинг биологик аҳамияти тўла аниқланган бўлиб, бу элементларга юқоридаги ҳаёт учун зарур элементлар ва аралаш элементлар киради.



**Темир** (Fe) – макроэлемент бўлиб, одам организмида асосан қондаги гемоглобин таркибида киради, унинг асосий вазифаси органларга кислородни етиштириб беришдан иборат бўлиб 25 мг истэймол қилиш керак. Шунинг учун етишмаслиги камқонлик (анемия) касаллигига олиб келади.

**Бром (Br)** – олий нерв фаолиятининг нормал кечиши учун жавоб берадиган элемент.



**Фтор ( F )** – тирик организмлар суяқ тўқималарининг хосил бўлиши ва ўсишида жуда зарур бўлган элемент. Тишларда фтор миқдори камайса емирила бошлайди.

**Мис ( Cu )** – тери пигментатсиясида, Fe ўзлаштиришда муҳим ахамиятга эга

**Рух ( Zn )** – организмда CO<sub>2</sub> хосил бўлиши ва оқсилларни ўзлаштирилишида муҳим ахамиятга эга.

**Йод ( I )** – организмларнинг нормал ўсиши ва жинсий ётилиши учун зарур элемент.[17-19]

## **II БОБ АДАБИЁТ МАЪЛУМОТЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ**

**Маҳаллий флорага мансуб 4.3 мингдан ортиқ ўсимликларнинг 750 тури доривор ҳисобланиб, улардан 112 тури илмий тиббиётда фойдаланиш учун рўйхатга олинган, шундан 70 тури фармацевтика саноатида фаол қўлланиб келинмоқда. 2019 йилда 48 млн АҚШ доллари қийматидаги қайта ишланган доривор ўсимликлардан олинган маҳсулотлар экспорт қилинган.**

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти анъанавий тиббиётнинг асосий таркибий қисмларини қуидагича аниқлади: ўсимлик дори дармонлари ва бошқа табиий воситалар билан даволаш; акупунктур ва мануал терапия. Соғлиқни сақлаш тизимидағи анъанавий тиббиёт аллақачон дунёning бир қатор мамлакатларида, айниқса Осиё мамлакатларида муҳим рол ўйнайди. Халқ табобатимизда Абу Али ибн Сино даврига бориб тақаладиган чукур дунёвий илдизлар мавжуд. Бугунги кунда Республикамизда халқ табобати тизими қонунийлаштирилган.

Бизнинг юртимиз доривор ўсимликларга бой. Маҳаллий флорага мансуб 4.3 мингдан ортиқ ўсимликларнинг 750 тури доривор ҳисобланиб, улардан 112 тури илмий тиббиётда фойдаланиш учун рўйхатга олинган, шундан 70 тури фармацевтика саноатида фаол қўлланиб келинмоқда.

2019 йилда 48 млн АҚШ доллари қийматидаги қайта ишланган доривор ўсимликлардан олинган маҳсулотлар экспорт қилинган.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 апрелда қабул қилинган “Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта

ишлиш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора тадирлари түғрисида” ги қарори жуда долзарбдир.

Ушбу Қарорда доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишилашни янада ривожлантириш, соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш, шунингдек, ушбу соҳада таълим, фан ва ишлаб чиқариш жараёнларини бирлаштириш зарурати белгилаб қўйилган. 2020 йил 1 майдан бошлаб доривор ўсимликларни етиштириш, сақлаш, бирламчи ёки чуқур қайта ишилаш учун кластерлар яратиш, шунингдек, доривор ўсимликларни етиштириш бўйича ҳудудларни ихтисослаштириш ишлари белгилаб берилган.

Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев томонидан таклиф этилган кластер тизими ўзининг хозирги глобаллашув даврида ва бозор иқтисодиёти талаблари асосида, хар бир имкониятдан тўлиқ ва самарали фойдаланиб жаҳон бозорига рақобатбардош маҳсулотларни етказиб бериш аграр секторда, жумладан пахтани етиштиришдан то уни комплекс қайта ишлаб, тайер маҳсулот сифатида енгил саноат маҳсулотлари, озиқ овқат саноати маҳсулотлари (пахта ёғи ва ундан тайёрланадиган маҳсулотлар) ҳамда чорвачилик учун озуқа (хар хил емлар, премикслар) ишлаб чиқариш имкониятларини кескин ошириб, аграр соҳада янги тизим кластер тизими яратилганини эътироф этиш керак.

Қарорда қўйилган вазифалар ташкил этилаётган кластерлар олдига доривор ўсимликларни етиштириш, сақлаш, дастлабки ва чуқур қайта ишилаш хисобига турли хил халқ табобатида, соғлиқни сақлаш тизимида ишлатиладиган дори препаратларини яратиш, ишлаб чиқариш ва импортдан кириб келаётган шу йўналишдаги препаратларни ўрнини

маълум ҳажмда эгаллаш ва экспорт қилиш имкониятини яратади. Қарорда шу йилнинг 1 июнидан тайёр маҳсулотни сотиш бўйича кластерлар олдига қўйилган вазифалар “Доривор ўсимликлар” деб номланган янги саноат йўналишини яратади.

2020 йил 1 июндан бошлаб тиббий муассасаларда, жумладан, оиласий поликлиникалар ва қишлоқлар (овуллар) тиббий марказларида фито-барлар, барча вазирлик ва идораларда, “Ислом Каримов” номидаги ҳалқаро ва маҳаллий аэропортларда, барча турдаги автовокзалларда, темир йўл станцияларида, бозорларда, санатория муассасалари ва барча гавжум жойларда фитобарлар яратилади. Бугунги кунда фитобарларни яратиш фойдали инновацион ғояга айланиб, аҳолининг барча қатламларига ҳалқ табобатининг анъанавий маҳсулотларидан самарали фойдаланиш имконини беради (чой, коктейл, дамлама ва бошқалар), шунингдек бошланғич капиталнинг нисбатан кам сармояси билан яхши бизнес манбаи бўлиб хизмат қиласди.

Қарорнинг сўзсиз ижроси ҳозирги даврда доривор ўсимликларни етиштиришдан то ундан олинган маҳсулотларни бозорга етказиб бериш ва улардан ҳалқимиз саломатлигини сақлашда ҳалқ табобати маҳсулотлари ҳамда табиий доривор препаратлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиради. Бу йўналиш янги иш ўринлари яратилади.

Фармонда Фанлар Академиясининг институтларига доривор ўсимликларни етиштиришнинг илмий асосларини, ўсимлик материалларини чукур қайта ишлаш технологияларини ишлаб чиқиши, шунингдек табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси билан биргаликда биохилмакилликни ўрганиш ва йўқолиб бораётган ёввойи доривор

